

УЗБК

М-31

Б. Маннонов, Г. Остонова, Ш. Камолиддин

Амир Темурнинг туркий ёрлиғи

امیر تمۇرنىڭ تۈركىيە خالقى
البوزراغ

Тошкент-2005

Узбекистон

0


Н-31

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Абу Райхон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
Темурийлар тарихи давлат музей

Б. Маннанов, Г. Остонова, Ш. Камолиддин

АМИР ТЕМУРНИНГ ТУРКИЙ ЁРЛИГИ

B 14551



Тошкент – 2005

Ушбу илмий рисолада мұхим тарихий құжат – Амир Темурнинг фармойишига мувоғиқ Ҳоразмдаги Абу Мұслим авлодлари ҳақ-хукуқтарини ҳимоя қилишга қарастылған түркій (эски ўзбек) да битилған ва унинг шахсий мұхри билан тасдиқланған Ырлиқнинг топилиш ва ўрганилиш тарихи, унинг факсимиле сурати, араб имлосидаги матні ва ҳозирги ўзбекчага табдили, шунингдек илмий изохдар вә тарихий воқеалар тақлили берилганды.

Рисола тарихчилар, талабалар ва умуман Туркистан тарихи, хусусан, Темурийлар даври тарихи билан қизықувчи барча ўқувчилар учун мүлжалланған.

Б. Маннанов, Г. Остонова, Ш. Камолиддин. *Амир Темурнинг түркій өрлиғи*. Тошкент, 2005. 50 бет.

Масъул мұхаррір: Н.Н.Хабибуллаев

Такризчилар: т.ф.н., Ўзбекистонда хизмат күрсатған маданият ходими
Қ.Муниров; т.ф.н. О.Бўриев

ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институты ва Темурийлар тарихи давлат музейининг күшма илмий қенгаши томонидан нашрға тавсия этилди.

Ушбу рисола Фан ва технологиялар маркази томонидан ажратылған маблаг
хисобига босилди.

© Темурийлар тарихи давлат музейи

*Биз ким – Малик-и Турон,
Амир-и Туркистанмиз,
Биз ким – миллатларнинг
энг қадими ва энг улуғи,
Туркнига бош бўгинимиз.*

Амир Темур

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлләзмалар хазинасида Амир Темур девонига мансуб муҳим бир ҳужжат сакланади¹. У Амир Темур фармойишига мувофиқ битилган ва муҳри билан тасдиқланган маҳсус ёрлиқ бўлиб, Ўрта Осиёдаги Абу Муслим авлодлари ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Ёрлиқ бизгача етиб келган шу мазмундаги ёрликлар ичida энг нодир ҳужжат сифатида бекиёс қадр-қимматга эгадир². Ёрлиқ Самарқанд қозозига туркий тилда чиройли настаълиқ хати билан битилган ва унинг ҳажми бир варақ (ўлчови 29 X 47 см), 11 сатр дан иборат. Вакт ўтиши билан қозоз анча уринган, шу туфайли унинг айрим сўзларини ўқиш мушкуллашган. «Ёрлиқ» нинг биринчи ва учинчи қаторларининг ўнг томонида бодом шаклидаги муҳр босилган³. Муҳрнинг ўрта қисмида йирик ҳарфлар билан «Амир Темур Кўрагом бин Тарагай» деб ёзилган. Муҳрнинг ҳошиясида эса майда ҳарфларда ёзилган ва ўқилиши қийин Куръони Карим оятлари келтирилганлигини тахмин қилиш мумкин. «Ёрлиқ» бутун борлигича шохи матога ёпиширилган ҳолда таъмирланган.

ЁРЛИҚНИНГ ТОПИЛИШ ТАРИХИ

Ёрлиқ бoshка юзлаб тарихий ҳужжатлар каби Шарқшунослик институти қўлләзмалар фондига келиб тушганига қадар жуда узок ва мураккаб йўлни босиб ўтган. Ўз вақтида ушбу ҳужжат ҳақида «Туркестанские ведомости» рўзномасида дастлабки хабар босилган эди⁴. Унда ўша пайтларда Туркистанда руслар томонидан тузилган қадимшунослик тўгарагининг наебатдаги кенгаши тўғрисида берилган хабарда Н.П.Остроумовнинг маърузаси тингланганлиги ва у ўз нутқида

Амир Темур даврига оид топилган янги бир ҳужкат ҳақида тұхталиб ўтғанлиғи ҳикоя қилинганды. Рұзноманинг хабарига қараганда, бу ҳужкат Соҳибқирон томонидан 780/1378-79 йилда Хоразмдаги Дархон-ота мавзесида истиқомат қилувчи Абу Мұслим авлодларига берилған имтиёзлар ҳақидағи «Ёрлик» бўлған. «Иноятнома-Ёрлик» Туркистон генерал-губернатори Хева ҳонлигига хизмат сафарига юборилған генерал А.Д.Калмиковга илтифот юзасидан Хева ҳони томонидан тортиқ этилған бўлиб, шундан сўнг у ўз навбатида шарқшунос Н.П.Остроумов кўлига тушған⁵.

Бизнингча, «Ёрлик» Н.П.Остроумов кўлига етиб келгунига қадар ўта муҳим ва муқаддас ҳужкат сифатида Хева ҳонларининг хос архивида сақланниб келингган. Хева ҳонлиги 1873 йилда Чор Россияси томонидан босиб олингач, ундаги барча моддий бойликлар қаторида ушбу сарзамин ҳалқи асрлар мобайнида яраттан ёзма маънавий бойликнинг асосий қисми ҳам мустамлакачилар ўлжасига айланғанди. Жумладан, Хева ҳарбий экспедициясига бевосита иштирок этган шарқшунос А.Л.Кун катта ҳажмдаги қўләзмалар тўплами, бу ердаги нодир қўләзмалар ва ҳужкатларни йигиш иши билан маҳсус шугулланади⁶.

В.В.Луниннинг маълумотларига қараганда, А.Л.Кун ана шу ҳарбий юриш вақтида Хева ҳонлари томонидан танга қуйиш учун тайёрланған турли давр ва сулолаларга тегишли 200 та қолипни, Жўчилар ҳукмронлиги замонидан қолган 172 та тангаларни, Кўнғирот ҳонларига тегишли Хева ҳонларининг 3 нусхадан иборат муҳрларини, Хева ҳонлари даврига оид этнографик ашё ва уй-рўзгор буюмларини, Хева ҳонлиги сарҳадларида жойлашган қалъя ва қўргонларни режа-тархларини ва Хева ҳонлари архивини йиғиб-териб, Санкт-Петербургга олиб кетади. Кейинчалик, у «Хева давлат архиви» ни Петербургдаги император кутубхонасига тақдим этади⁷.

Аммо биз ўкувчилар ҳукмига ҳавола қилаётган «Тархон ёрлиги» қандайдир сабабларга кўра, А.Л.Кун кўлига тушмаган. Шунинг учун ҳам у, ҳатто Хева давлат архиви сўнгги йилларда мутахассислар томонидан бирқадар ўрганиш объектига айланғанда ҳам архивдаги ҳужкатлар қаторида бўлмаганлиги сабабли мутахассислар назаридан четда қолиб келган.

Чор Россияси томонидан Ўрта Осиё ҳонликлари босиб олингач, бу минтақадаги аграр-иктисодий масалалар рус ҳукуматини биринчи навбатда қизиқтирган. Ер-сув муносабатлари, солиқлар, олди-сотди ишларини ўрганиш, бунинг учун шу масалалар билан боғлиқ ҳужкатларни тўплаш учун шошилинч

чора-тадбирлар кўрила бошлаган. Ўз мустампакаларидан мумкин қадар кўпроқ даромад олиш мақсадида улар нафақат кирим-чиқим дафтарлари, шу билан бирга вақфномалар, ёрликлар, тархон-иноятнома ва ҳукмномаларни ҳам қайта назардән ўтилизни маҳаллий маъмурлардан, жумладан хонлардан ҳам талаб қилганлар. Масалан, XIX асрнинг 80-йилларида Хўжа Ахоров Валийнинг ер эгалигига доир мол-мулк ҳужжатларни ўрганиш юзасидан махсус комиссия тузилади.

Ундан ташқари. Ўрта Осиёдаги йирик дин арбоблари мол-мулкига доир вақфнома, ёрликларни топишни ана шу масалага алоқадор ҳар уччала хонлик сарҳадларида ҳужжатларни тўплаб боришни ўз вакиллари гарданига мухим вазифалардан бири сифатида юкташ кўйилади. «Хизмат сафарлари» вақтида ҳамма жойда қадимшунос – қизиқувчи тарихчи, этнограф, нумизмат сифатида материаллар йиға бошлайдилар. Бу соҳада мустамлакачилар ҳатто хизмат сафарида юрган ҳарбийларидан ҳам «унумли» фойдаланадилар. Жумладан, 1910 йилда Хевага Туркистон генерал-губернатори томонидан «хизмат сафари» га жўнатилган шарқшунос – ишқибоз генерал А.Д.Калмиковга ҳам шундай вазифа топширилган бўлса ажаб эмас. У Хева хони Муҳаммад Раҳим II (Феруз) нинг вафоти ва Исфандиёрхоннинг таҳтга ўтириши мunoсабати билан ҳам «тавъзия» билдириш, ҳам янги хонни «муборакбод» этгани бориб, ёш хон билан учрашади, у билан олиб борилган махсус сұхбатларда унга Оқлодшо билан Туркистон генерал-губернаторининг талаб ва истакларини етказади. Сұхбатлардан бирида Исфандиёрхон А.Д.Калмиконвинг нодир ҳужжатларга «ўч» лигини ҳисобга олиб, унга хушомад тариқасида Амир Темур томонидан Хева хонлигидаги Абу Муслим авлодларига берилган «Ёрлиқ» ни тортиқ этади⁸.

ЁРЛИҚНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Генерал бу нодир «Ёрлиқ» ни Туркистон генерал-губернаторига келтириб топширгач, бу ҳақда тезда Санкт-Петербургга хабар берилади. Марказдан ҳужжатни зудлик билан рус тилига таржима қилиниши талаб қилинади. Шу тариқа Амир Темур мухри босилган ушбу «Тархон – Ёрлиқ»⁹ Туркистондаги «Ишқибоз қадимшунослар клуби» нинг раиси шарқшунос Н.П.Остроумовга таржима қилиш учун топширилади. У «Ёрлиқ» ни рус тилига таржима қилиб, ўрганиб чиқкач, «Клуб» нинг навбатдаги йигилишида бу ҳақда ахборот беради ва «ушбу «Ёрлиқ»

бир неча бор Хоразмга уюштирган ҳарбий юришларида Амир Темурга хайрихохлик кўрсатган аҳоли қатламларига имтиёзлар бериш ниятида амалга оширилган тадбирлардан бири бўлса керак», - деган фикр билдиради. Унинг бу тарздаги юзаки талқини масаланинг асл моҳиятидан жуда йироқдир, албатта.

«Туркестанские ведомости» газетасининг навбатдаги сонида¹⁰ Н.Остроумов ушбу ҳужжатнинг русча таржимасини ва унга ёзган айрим изоҳларини зълон қилади. Ҳужжатни шарҳлар экан, у гўё Амир Темур Хоразмга томон уюштирган сўнгги зафарли юриши вақтида «яхши кайфият устида Дархон-ста одамларининг илтимосини инобатга олган бўлса керак», - деган тарзда яна юқоридаги фикрини тақорлайди. Айни вақтда у бу ҳужжатнинг ўша даер тарихини ўрганишда муҳимлигини таъкидлаб, унда иноқ, оталиқ, тўқсовул, чандовул, удайчи, элчи, йўлчи, қушчи, олиғдор, таҳсилдор, шунингдек ақо, арбоб, қози ва муҳтасиб каби расмий вазифаларнинг ҳамда аҳолидан олинадиган олиқ-солиқлар қаторида никоҳона ва муҳтасибона, хирож ва бож каби солиқларнинг санаб ўтилганлигини айтган¹¹.

Орадан кўп ўтмай, ўша йил, яъни 1910 йил 5 декабрида яна “Туркестанские ведомости” газетасида Н.П.Остроумовнинг ушбу ҳужжат таржимаси хусусида Л.А.Зимин томонидан билдирилган айрим эътиrozларга берган жавоби зълон қилинади¹². Шу тарзда «Ёрлиқ» нинг дастлабки ўрганилиши, асосан, уни рус тилига таржима қилиш билан чекланади.

Ўшандан буён бу тарихий ҳужжат юзасидан маҳсус тадқиқот олиб борилгани йўқ. Хайриятки, у кўплаб бошқа муҳим тарихий манбаълар қатори йўқ бўлиб кетмасдан, бизгача етиб келган Мархум академик Иброҳим Мўминов Соҳибқирон ҳақида маҳсус рисола ёзиш учун ёзма манбаълар билан танишар экан. Шарқшунослик институти фондида ушбу ҳужжатга дуч келади¹³. 1968 йилда И.Мўминов ёзма ва босма манбаълар асосида “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли”¹⁴, деб аталган рисоласида ушбу ҳужжатнинг фото аксини муқова ортига илова қилади. Унинг тагига «Амир Темур бин Муҳаммад Тарагай Баҳодирнинг муҳри босилган фармон (1391)»¹⁵ деган тушунтириш берилган. “Бу фармон, деб таъкидлайди И.Мўминов рисолада, туркий (эски ўзбек) тилда ёзилган бўлиб, унда Абу Муслим авлодларига берилган имтиёзлар ҳақида гапириллади. Бу ва бунга ўхшаш бошқа ҳужжатлар тарихчи, иқтисодчи ва тиљшунос олимларимизни қизиқтириши лозим”¹⁶.

“ЁРЛИК” - МУХИМ ТАРИХИЙ ҲУЖКАТ

“Ёрлик” нинг муҳим тарихий ҳужкат эканлиги ҳақида гап кетар экан, назаримизда, биринчи навбатда, унга мўнғилларнинг 150 йиллик зулмидан озод бўлган ва эркинлик туғини кўтарган Ўрта Осиёда Амир Темур томонидан мустақил давлат атрибултарини жорий этиш ва мустақамлашга қаратилган тадбирлардан гувоҳлик берувчи ниҳоятда қимматли ёзма манбаълардан бири сифатида ёндошилмоги лозим бўлади.

Амир Темур Мовароуннахрни озод қилгач, бу ерда истиқомат этувчи кўпчилик аҳоли туркий халиқлар тилига ривож беришга ҳаракат қилади. Бу ҳол унинг сиёсий ва ҳарбий таянчи бўлган туркий қабилаларнинг бир мақсад йўлида жипслашувига шароит яратади. Биз фикр юритаётган “Ёрлик” Соҳибқироннинг ана шу борадаги фаолиятига ёрқин далиллар. Ҳужкат “Абу-л-Музаффар Хайр (?) ал-Мансур Амир Темур Муҳаммад Баҳодирхон сўзим”, деб бошланади. Айрим далилларга қараганда, айнан бўлмасада, ана шу тарздаги туркий калима билан хат бошланиш услуби Соҳибқироннинг ўз номидан ёзилган фармон, ёрлик ва ҳатто халқаро ёзишмаларига ҳам тааллукли бўлганга ўхшайди. Бу нарса Амир Темурнинг ўша пайтда халқаро тил воситасини бажарган форсийда битилган ёзишмаларида ҳам сақланиб қолган. Масалан, Соҳибқироннинг бизгача етиб келган француз қиролига йўллаган форсий мактуби бунга далил бўла олади. Ушбу мактубнинг биринчи жумласи «Амир Темур Кўрагон сўзимиз” шаклидаги туркий жумла билан бошланган¹⁷.

Манбаъларнинг шоҳидлик берищича, Соҳибқирон ўз салтанатининг кейинги чорак асри ичида амалга оширган сиёсатида бунга айниқса қаттиқ эътибор қаратган. Йирик шарқшунос Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг таъқидлашича, бу даврда Амир Темур империясидаги барча воқеалар шарҳи ва ҳарбий соҳага тааллукли сипоришлар тарихда “уйғур ёзуви” номини олган қадимги туркий ёзув билан аввал туркий (эски ўзбек) тилда ёзилиб, сўнгра миразолар томонидан форсийга ўтирилган¹⁸. Амир Темурнинг ўзи бу ёзувни бемалол ўқий олган бўлса керак. Бунга шу нарса шоҳидлик берадики, Дамашқда унинг изми билан битилган гарб мамлакатлари географиясига оид асар шахсан Соҳибқирон ўқиши учун шошилинич суратда “әрабчадан мўғилийга, яъни қадимли туркий имлодаги туркий тилига таржима қилинган”¹⁹. Империя пойтахти Самарқанддаги олий

мајкамалардаги ҳужжатларнинг шу ёзувлар билан туркийда олиб борилганинги Руи Гонсалес де Клавихонинг куйидаги сўзларидан ҳам билиб олса бўлади: "Дарёниг (Аму) нариги қирғоидаги жойларда истиқомат қилувчи самарқандликлар, - деб ёзади у ўз кундаликлиарида, - фойдаланиладиган ёзувни дарёниг бу қирғоидагилар тушунмайдилар ва ўқий олмайдилар. Сенъор (Амир Темур) шу имлода ўқиб ёзадиган бир неча мирзоларни ўз хузурида сақлайди"²⁰.

Амир Темур даврида тикланган қадимги туркий ёзувда давлат ишларини олиб бориш анъанаси Мовароуннахрда Амир Темурдан кейин ҳам маълум муддат давом этганлиги ҳакида маълумотлар бор. Масалан, В.В.Бартольд 1902 йилда Туркистонга қилган илмий сафари ҳисоботида "Султон Умаршайх Баходир сўзимиз", деб бошланган бир ёрлиқни кўлга киритганинги маълум қиласи ва 877/1472-73 йилда "уйғур" ёзувида туркча битилган бу ёрлиқни Бобурнинг отаси Умаршайх (869 – 899/1465 - 1493 йиллар) га тааллуқли эканлигини таъкидлайди. Бу ҳужжатда Жонхўжа исмли марғилонлик зодагонга "суюргол", яъни мулк сифатида бир мавзени бермоқлик ҳакида сўз боради²¹. Афсуски, ҳозирча Соҳибқироннинг ўз ҳукмронлиги даврида эски туркий ёзувида битилган бундай ҳужжатлар мутахассислар кўлига етиб келмаган.

Ушбу ёрлик воситасида Амир Темур давлатидаги расмий тил тўғрисида билдирилган фикрларимизнинг тасдиғи сифатида бошқа бир мисолга ҳам мурожаат қилмоқчимиз. Маълумки, ҳар бир давлатнинг мустакиллик белгиларидан бири унинг пул бирлиги – миллий валютасининг мавжудлигидир. Амир Темур-Ўрта Осиёда мўнгиллар зулмидан озод бўлган бир бутун давлатни ташкил этар экан, унинг сарҳадларида илгарилар бу ерда муомалада бўлган пулларни алмаштириш, янги ҳокимият номидан турли қийматга эга бўлган тангаларни зарб этиш ишини зудлик билан йўлга қўйди.

Маълумки, Амир Темур Мовароуннахрда ҳокимиятни кўлга олган бўлсада, Чингизийлар авлодига мансуб бўлмаганилиги учун ўзини хон деб эълон қила олмайди. 150 йип мобайнида ўринашиб қолган қатъий урф-одатга мувофиқ, бу даврда факат Чингизхонга бевосита алоқадор бўлган кимсаларгина бу юксак лавозимга кўтарилиши мумкин бўлган. Бу удумнинг нақадар чуқур илдиз отганлигини шундан ҳам билса бўладики, ҳатто Амир Темурдек забардаст зот ҳам уни бузишга журъат қила олмайди. 1402 йилгача унинг империясида номига бўлса ҳам Чингиз суполасидан бўлганлар хон кўтарилиб қўйилади. Амалда бутун

хокимият Амир Темур ихтиёрида бўлишига қарамай, давлат тарафидан зарб қилинган барча тангалар ана шу қўғирчоқ ҳонлар номидан сўқилган.

Аммо бу масалада Амир Темур томонидан ғоят мухим, эҳтимол ҳал қилювчи бир омил жорий этилганди: барча хилдаги тангаларда ҳоннинг номи билан бир қаторда Амир Темур номи ҳам зарб этилиши шарт бўлган. Нумизматика соҳасининг йирик мутахассиси И.Тўхтиевнинг бу соҳада олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, Соҳибқирон бу тангаларнинг олд томонига Куръони Каримдан калима ёздирган, тўрт томонига эса тўрт ҳалифа: Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али номларини зикр қилдирган. Тангаларнинг орқа томонига эса: «Суюрготмишхон ёрлиги Амир Темур Кўрагон ақмону», деб ёзилган. Айримларида эса: «ас-Султон Махмуд . . . Амир Темур Кўрагон сўзи (м) ҳаллада Аллоҳ мулкаҳу» ёки «Султон Махмудхон, Баҳодур Темурбек Кўрагон ҳаллада Аллоҳ мулкаҳу» сўзлари зарб этилган²².

И. Тўхтиев маълумотларига қараганда, тангалар Туркистоннинг биргина Самарқанд ёки Бухоро шаҳарларида зарб этилмасдан, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон каби мамлакатларнинг турли шаҳарларида ҳам зарб қилинган²³. Аммо бу тангалар қаерда зарб этилмасин, уларда юкоридаги мазмун сақланиб қолинган. Бундан шуни билса бўладики, Амир Темур, аввало, пул муюмаласида ҳам давлат тили туркийни (тангалардаги ёрлиги, ёрлигидан, баҳодир, сўзим каби иборалар буни исботлаб турибди) мустаҳкам жорий этишга қатъий зътибор қилтан. Айни вақтда, ўнлаб мамлакатларни ўз измига олган буюк империяни ташкил этганда ҳам ўз пулларини ҳамма жойда зарб эттириб, бу буюк давлатнинг асоси ва таянч нуқтаси Туркистон бўлганини намойиш этган.

Шунингдек бу ҳол ушбу ёрлиқнинг туркий тилда битилғанлиги бежиз эмаслигини, унинг замирида Амир Темурнинг давлатчиликни барқарор қилишда бошданоқ туркий тилга ҳам катта зътибор берганпигини кўрсатади. Ушбу ҳужокат Амир Темур фаолиятининг биринчи даврида, яъни унинг хорижий юришлари бошланмасдан олдин араб имлоси билан туркийда тузилганга ўхшайди. Афтидан ҳали бу вақтда Девон ишлари юкорида айтилган эски туркий имлога тўла кўчирилмаган бўлса керак.

Туркий тилга зътибор ва унинг ривожланишига ғамхўрлик фақат Амир Темур даврида эмас, балки унинг авлодлари, хусусан, Захириддин Мұхаммад Бобур даврида ҳам кучли кучли бўлган. Манбаълардан маълумки, Бобур араб алифбоси туркий тилнинг ўзига хос хусусиятларини тўпик акс этдира олмаганligини ҳисобга

олиб, қадимги туркий ёзув ва араб алифбоси рамзларидан фойдаланган ҳолда ўзининг янги ёзувини ихтиро қилған. "Хатт-и Бобурий" номи билан машҳур бўлган бу ёзув 28 та ҳарфдан иборат бўлиб, Бубур бу хатда битилган номалар ва шеърларни ўз ўғиллари ва яқинларига юборган. Бобур бу хатни давлат бошқарувида қўлланилишини ҳам тарғиб қилған ва унинг кенгроқ тарқалиши учун бу хатда "Мусҳаф", яъни Қуръон-и Каримнинг матнини кўчириб, уни Маккага юборган²⁴. XVI – XVIII асрларда Бобурийлар Ҳиндистонда туркий тилни кенгроқ тарқатиш ва ривожлантириш учун кўп ҳаракат қилғанлар. Бунинг учун улар кўплаб турли ҳажмдаги форс-турк, урду-турк ва ҳинд-турк лугатларини тузганлар. Ҳозирги вактда Ҳиндистон кутубхоналарида бундай лугатлардан 100 дан зиёд нусхалари сакланиб турибди²⁵. Бу лугатларга тадқиқотчиларнинг кўли ҳали умуман тегмаган. Улардан фақат биттаси яқинда Тошкентда нашр этилди²⁶.

"ЁРЛИҚ" НИНГ ТИЛИ ҲАҚИДА

Туркий тилларнинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи жуда ҳам эски замонларда бошлангэн бўлиб, уларнинг энг қадимги ҳолати ("прототурк типи") мелоддан олдинги III – II йипликларга бориб тақалади. Ёзув масаласига келганда, бу масала бироз мунозарали бўлиб турибди. Хитой манбаъларидағи маълумотларга кўра, мелоддан олдинги III – II асрларда хуннларнинг ўзига хос ёзуви мавжуд бўлган²⁷. Ўрта Осиё худудларида мелоддан олдинги V асрдан бошлаб мелодий II – III асрларга қадар ишлатилиб келинган "номаълум ёзув" ёки "Иссик ёзуви" ни айрим олимлар энг қадимги туркий ёзув намунаси деб ҳисоблайдилар²⁸. Яна бир гурӯҳ олимлар қадимги шумер ва злам тилларида эски турк (прототурк) тилининг асоратлари мавжудлиги ҳақида фикр юритадилар²⁹. Лекин ҳозирча бизгача сакланиб қолган ва ўқилиши аниқ бўлган туркий тиллардаги илк ёзма ёдгорликлар фақат мелодий VI – VII асрларга мансуб деб дадил айтиш мумкин³⁰.

Турли даврларда туркий тилларда битилган ёзма ёдгорликлар тил хусусиятлари жаҳатдан бир-биридан фарқ қилған. Қадимги туркий ёдгорликларда қўлланилган ёзма адабий тил фақат бир шева ёки тилга тегишли бўлмасдан, одатда бир неча шевалар асосида тузилган терма тил бўлган, ва унинг асосини қаргуқ-уйғур, ўғуз ва қипчоқ шеваларининг лексикаси ташкил этган. Адабий

тилинг ўзгариб бориши кўпинча сиёсий ҳолат билан ҳам боғлиқ бўлган. Агар Турк хоқонлиги (VI – VIII асрлар) ва Қораҳонийлар даврида (XI – XII асрлар) ишлатилган туркларнинг адабий тилида қарлук ва қипчоқ элементлари кўпроқ бўлган бўлса³¹, Салжуқийлар (XII аср) ва айниқса Хоразмшохлар даврига келиб (XIII асрнинг боши), адабий тилда ўғуз элементлари кучайиб кетган³². XIII – XIV асрларда Хоразм туркларининг шеваси асосида тузилган ёзма тил ғарбий минтақаларда, хусусан, Хуросон, Олтин Ўрда, Қрим ва ҳатто Мирда ҳам адабий тил сифатида кенг ишлатилган³³. Шу даврнинг ўзида Чингизийлар ҳумроноқ бўлган шарқий минтақаларда, хусусан, Ўрта Осиёда қарлук шеваси асосидаги адабий тил ривожланишида давом этган ва ҳатто айрим асрлар, хусусан, “Мұҳабbat-нома” ва “Меъроj-нома”, уйғур ёзувида ҳам кўчирилган³⁴. Тилшуносликка оид адабиётда бу тил “чиғатой” тили деб ҳам аталади. Айни шу адабий туркий тил Амир Темур ва Тумурийлар даврида ҳам ишлатилган. Бу тил ўша даврда Ўрта Осиёнинг барча туркий халқлари, шу жумладан кўчманчи қабилалар учун, адабий ёзма тил вазифасини ўтаган бўлиб, ундан ташқари кўчманчи ва ўтроқ халқлар, шунингдек туркий тилли ва эроний тилли халқлар орасидаги мулоқотларда халқаро тил воситаси вазифасини ҳам ўтаб келган³⁵.

Бизнинг “Ёрлик” тили ҳам худди шу “чиғатой” тилида ёзилган бўлиб, Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобур асрларининг тилига ўхшаб кетади. Бу тилинг асосий хусусиятларидан бири шуки, унинг асосини эски қарлук ва уйғур элементлари ташкил этса ҳам, унда араб ва айниқса форс тилининг таъсири жуда ҳам кучли бўлган. Буни биз “Ёрлик” нинг матни мисолида яққол кўришимиз мумкин. Ундаги жумлаларнинг ички тузилиши туркий тил қоидаларига бўйсинган ҳолда тузилган, лекин жумла ичидаги кўп иборалар араб ва форс тилидан ҳеч ўзгаришсиз айнан ўз шаклида киритилган.

Темурийлардан кейинги даврларда бу адабий тил деярли ўзгаришсиз XX аср бошларигача кенг қўлланилиб келган ва айрим манбаъларда баъзан “сарт тили” деб ҳам аталган. Сиёсий ҳукмронликга эга бўлган Дашт-и Қипчоқ ўзбеклари ҳам Ўрта Осиёнинг маҳаллий турклари (“сартлар” ва “чиғатой” турклари) нинг бой маданиятини қабул қилиб, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва улардан кейинги ҳонликлар даврида форс тили билан бир қаторда шу тилда ҳам иш юритилган ва асарлар ёзилган. “Ўзбек” атамаси ўша даврда сиёсий маънога эга бўлиб, Ўрта Осиёнинг барча туркий ва баъзан туркий бўлмаган аҳолисига нишбатан ҳам қўлланилган. Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) нинг ёзищича, “Туркистон қадимда ҳам,

ундан кейинги даврларда ҳам, Тур ибн Ҷафар авлодларининг юрти ва яшаган ери бўлган . . . Бу мамлакатнинг аҳолиси турли даврларда турлича номлар билан аталиб келинган. Тур ибн Ҷафар давридан Мўғул-хон давригача уларнинг ҳаммасини турк деб атаганлар. Мўғул-хон даврига келиб, уларни мўғул, Ўзбек-хон даврига келиб эса ва шу вақтга қадар бу мамлакатнинг барча аҳолиси ўзбек деб аталиб келинади. Лекин узоқ мамлакатларда Турон аҳолисини олдиндагидек ҳали ҳам *турклар* деб атайдилар³⁶.

Бу маълумотдан кўриниб турибдики, “ўзбек” атамаси ўша даврда “турк” ва “Туркистон” атамаларининг синоними сифатида ҳам ишлатилган. Бу ерда шуни қайд этиш жоизи, XX аср бошларидағи жадидлар сиёсий-маданий ҳаракатининг вакиллари ҳам ўзбек этнонимига турк этнонимининг синоними сифатида қараганлар. XVI – XVIII асрларда Ғарбий Европада чизилган сиёсий ва географик хариталарда ҳам бутун Ўрта Осиё ҳудудлари³⁷ Usbek (Usbec, Usbeck, Vzbek) ва Usbekia (Usbechia), унинг айрим қисмлари эса Usbek Bucharia, Usbek Bochara, Usbek Chowaresmia, Usbek Mawarainahra, Usbek Turkistan, Usbek Turan, Usbek Tartaria, Usbek Zagatay сингари номлар билан аталган³⁸. Шуниси аҳамиятлидирки, мазкур хариталарда бу номларнинг барчаси этномим сифатида эмас, балки топоним, яъни жой номи (худудий бирлик, мамлакат, вилоят) сифатида ишлатилган. Уларнинг ичидаги бир ҳарита эса алоҳида аҳамиятга эга. У 1730 йилда Ўрта Осиёга саёҳат қилган юнон картограф олими Василио Ватаче қаламига мансуб бўлиб, унда Сирдарёнинг ўрта ва юкори оқими ҳавzasидаги ерлар Tourkistan, яъни Туркистон, Амударёнинг ҳавzasидаги барча ерлар (Орол дengизидан тортиб Помир тоғларигача) эса Özbegistan, яъни, Ўзбекистон деб аталган³⁹. Демак, “ўзбек” этномим XVI – XVIII асрларда Ўрта Осиёнинг барча аҳолисини бирлаштириб турувчи сиёсий маънога ҳам эга бўлган. Бу ердаги маҳаллий аҳолининг маданий қадриятлари эса Ўрта Осиё ҳудудларида қадимдан яшаб келган ўтрок ва шаҳар туркларига ва улар билан кўшилиб кетган зроний тилли халқларга тегишли бўлган. Бундай ҳолни Ўзбекистонда ҳозирги кунда ҳам ҳам кузатиш мумкин.

Маълумки, тил – миллатнинг кўзгусидир. Ҳозирги ўзбек адабий тили факат “чигатой” ва “сарт” тилларининг давомчиси бўлиб қолмасдан, улардан олдинги адабий туркий тилларининг ҳам давомчисидир. Ҳозирги ўзбек адабий тили ўзининг тил хусусиятларига кўра ўйгу: адабий тили билан бир қаторда Турк хоқонлиги даври (VI – VIII асрлар), Қорахонийлар даври (XI – XII асрлар), ва айниқса

Хоразмшохлар даври (XIII – XIV асрлар) нинг адабий тилларига энг яқин турган замонавий туркий тиллардан бириди. Демак, айтишимиз мүмкінки, ҳозирги ўзбек адабий тили қадимги ўтрок туркпарнинг маданий қадриятларини ўзида жам этган бўлиб, уйгур тили билан бир қаторда, уларнинг адабий ва илмий анъаналарини давом этдириб келмоқда⁴⁰ Советлар даврида ўтказилган миллий чегаралаш жараёнида ушбу тил ҳозирги ўзбек адабий тилининг асосини ташкил этган, унга яқин бўлган лаҳжаларда сўзлашувчи барча ўтрок аҳоли эса “ўзбеклар” деб атала бошланган. Шунинг учун жаҳон тарихшунослигидаги ҳам ўзбеклар қадимги туркпарнинг авлодлари, “Ўзбекистон” топоними эса Ўрта Осиё маъносидаги қўлланилиб, “Туркистон” тарихий топонимининг меросхўри сифатида қаралади⁴¹.

АБУ МУСЛИМ

Ерлиқда айтилишича, унда санаб ўтилган имтиёзлар Абу Муслим авлодларидан бўлган саййидларга берилган. Бундан кўринадики, Ислом динини ёйишда мухим мавқеъ тутган ‘Аббосийлар халифалигининг йирик сиёсий ва ҳарбий арбобларидан бири Абу Муслим номи орадан неча юз йил ўтишига қарамай Амир Темур даврида ҳам Ўрта Осиё сарҳадларида катта эътиборга молик бўлган. Бунинг сабабларидан бири, эктимол, ҳалқ орасида афсонавий қаҳрамонга айланган бу шахснинг фаолияти маълум даражада Ўрта Осиё ҳудудлари билан ҳам бевосита боғлиқ бўлганлигидадир.

Абу Муслимнинг тўлиқ исми ‘Абд ар-Рахмон ибн Муслим ибн Шанфир-руз ал-Марвазий ал-Хуресоний (100–137/718 – 755) бўлиб, у Хуресон ва Мовароуннахрда Умавийлар (41 – 132/661 – 750) ҳукмронлигига қарши кўтарилиган кўзғолонга бошлилик қилиган. Бу кўзғолон тарихда “Абу Муслим кўзғолони” номини олган. 129/747 йилда кўзғолончилар Умавийларнинг Хуресондаги волийси Наср ибн Сайёрни енгил, Марв шаҳрини эгаллаганлар. 130/748 йилда улар халифалик пойттахи – Дамашққа юриш қилиб, халифа Мэрвон II (127 – 132/744 – 750 йилларда ҳукм сурган) ни таҳтдан ағдарадилар. Натижада халифаликда сиёсий ҳокимият ўзгариб, Умавийлар ўрнига ‘Аббосийлар сулоласи (132 – 656 /749 – 1258) ҳукм сурга бошлайди. Янги ‘Аббосий халифаси ‘Абд Аллоҳ ас-Саффоҳ Абу

Муслимни⁴² Хуресонга волий этиб тайналайди. У вактлар Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари ҳам Хуресон сарҳадларига киарди.

Абу Муслим Хуресонда волий бўлиб турса-да, ўз ҳарбий маҳорати билан тез орада 'Аббосийлар халифалигининг кўзга кўринган лашкарбошиси сифатида катта эътибор қозонади Унинг халифаликда тобора ортиб бораётган шуҳрати, айниқса кўшин орасидаги нуфузи Бағдод ҳукмдорларига тинчлик бермай кўяди. Янги тайинланган халифа ал-Мансур (136 – 158/754 – 775 йилларда ҳукм сурган) Абу Муслимни ҳийла билан Бағдодга чакиритириб, унга турли бўхтонларни юклайди ва аъёнлар олдида: 'Сен ўз хизматингни бизга бўлган садоқатинг рамзи сифатида амалга оширганинг йўқ; уларнинг барчаси бизнинг суполамизига коинотнинг ҳамдамлиги ва худонинг марҳамати сифатида намоён бўлди', - дейди ва соқицларга Абу Муслимни қатл этишни буюради⁴³.

Абу Муслимнинг асл келиб чиқиши номаълум бўлиб, манбаъларда бу ҳақда турли хил маълумотлар келтирилади. Айрим маълумотларга кўра, Абу Муслим асли араб ёки форс бўлиб. Бану Ижл қабигасида туғилиб, улар орасида вояга етган ва дастлаб Исфахон ёки Куфаде яшаган⁴⁴. Унинг онаси Вашика исмли аёл бўлгани учун, уни Ибн Вашика деб ҳам аташган⁴⁵. Бошқа маълумотларга кўра, унинг асли Хуресонлик, аниқроғи Марвлик⁴⁶ бўлиб, шунинг учун ҳам у ал-Марвазий ва ал-Хуресоний деб аталган⁴⁷. Абу Муслимнинг асл келиб чиқиши Хуресонлик ўгузлар билан боғлиқ бўлганилиги ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Айрим маълумотларга кўра, унинг шахсий кутубхонасида ўгузларнинг муқаддас китоби "Ўуз-нома" нинг паҳлавий тилидаги нусхаси сакланган бўлиб, бу китоб унга отабоболаридан мерос бўлиб қолган⁴⁸. Ўша даврда «Ўуз-нома» нинг фақат иккита нусхаси мавжуд бўлса, улардан бири Абу Муслим қўлида бўлган. Унинг муаллифи Улуғхон-Ота Битикчи за яна бир қатор туркий битикчилар бўлган. Бу китобнинг дастлабки туркий тилдаги нусхаси сосоний шоҳ Ҳусрав I Ануширвон (531 – 576 йилларда ҳукм сурган) вазири Бузург Мехр Бахтагоннинг қўлида бўлган ва ўша даврдаётк ўрта форс (паҳлавий) тилига таржима қилинган⁴⁹. 211/826-27 йилда халифа Ҳорун ар-Рашид (170 – 198/786 – 809 йилларда ҳукм сурган) дан бошлаб халифа ал-Мутавзик⁵⁰ (232 – 247/847 – 861 йилларда ҳукм сурган) гача бўлган 'Аббосий халифаларинин саройида хизмат қилган Суриялик насроний олим Жиброил ибн Бахтишу⁵¹ бу китобни араб тилига таржима қилган⁵². Шуниси дикқатга сазоворки, вазир Бузург Мехр Бахтагон ҳам асли Марвлик бўлган⁵³. Айрим олимларнинг фикрига кўра, бу вазир кейинги асрларда тузилган «Китоб-и

«Коркут» номли китоб таркибиға кирған қадимги ўгуз афсоналарида ҳам тилга олинган бўлиб, улардаги Депегёз исмли қаҳрамон билан бир шахсdir. Депегёз (Тепакўз) сўзининг маъниси «баҳайбат махлук» (цикlop) бўлиб, у форсча Бузург Мехр исмининг туркча калькасиdir⁵³.

Бу ерда яна шуни қайд этиш лозимки, Хусрав I Ануширвон турк хоқони Истами-хоннинг қизига уйланган ва Буюк Турк хоқонлиги билан иттифоқдош ва яқин алоқада бўлган. Византия манбаъларига кўра, Хусрав I Ануширвоннинг энг яқин одамларидан бири турклардан форслар томонига қочиб ўтган Катулф исмли эфталит бўлиб⁵⁴, у Фирдовсийнинг «Шоҳнома» сида тилга олинган *хайтал* (эфталит) ларнинг Еотифар исмли подшоҳи билан бир шахс бўлиши мумкин⁵⁵. Бу маълумотлардан кўринадики, Хусрав I Ануширвоннинг атрофидаги энг яқин одамлар орасида унинг хотини билан бир қаторда хурсонлик турклар ҳам бўлган. Вазир Бузург Мехр Баҳтагон ҳам шулар жумласидан бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли бўлмай, унинг иккинчи исми Баҳту-хон деб ҳам ўқилиши мумкин⁵⁶.

Абу Муслим ўзининг ҳаётий йўпини Куфадаги Бану Ижл араб қабиласининг бошлиғи Абу Саллом ал-Ҳалполининг шахсий хизматчisi сифатида бошлаган⁵⁷; кейин Абу Муслим Ҳошимийлар уруғига мансуб бўлган 'Али ибн 'Абд Аллоҳ ибн ал-'Аббосга тортиқ қилинган, у эса Абу Муслимни ўзининг ўғли Иброҳимга берган⁵⁸. Бу маълумотлардан кўринадики, Абу Муслим эрта ёшлигига кўл бўлиб, арабларнинг Хурсондаги фатҳ урушлари давомида Марв шаҳридан З фарсах узоклиқда жойлашган Моҳон⁵⁹ қишлоғига асирга олинган ва сўнгра Марвга келтирилган бўлиши мумкин. Маълумки, илк ўрта асрларда турклар Хурсон аҳолисининг кўп қисмини ташкил этган бўлиб, унар форслар билан бир қаторда испом динини қабул қылганлар.

Абу Муслим бошчилик қилган ҳаракат халифаликнинг араб бўлмаган ҳалқларининг шуъубиййа⁶⁰ деб аталған сиёсий маданий ҳаракати билан ҳам боғлиқ бўлган, ва унда форслар ва курдлар билан бир қаторда Хурсонлик турк ўгузлар ҳам фаол иштирок этганлар Айrim маълумотларга кўра, Абу Муслим қўшинлари асосан Хурсон туркпаридан ташкил топган бўлиб⁶¹, унинг энг яқин одамларидан бири Тархон исмли түяқаш бўлган⁶². Лекин Абу Муслим ҳаракати арабларга қарши қаратилган дейиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу ҳаракат аввало фақат Умавийларга қарши ва 'Аббосийлар фойдасига қаратилган⁶³. Абу Муслим қўшинларида ва унинг саркардалари орасида Ҳошимий араблар ҳам кўпчиликни

ташкыл қилған⁶⁴. Шу сингари Умавийлар қүшини ҳам араблар ва араб бўлмаганлардан ташкыл топған⁶⁵.

Абу Муслим 'Аббосийлар қўлида тарбия олиб ва уларнинг хизматида бўла туриб, улар сингари мўъмин мусулмон бўлган, сунна мазҳабига риоя қилган ва Амин ал-Муҳаммад, Сайф ал-Муҳаммад сингари фахрий исмларга эга бўлган⁶⁶. У ўз фаолияти давомида шиъаларга ҳам кўп таянган бўлса ҳам, ўзи ҳеч қачон шиъа мазҳабига риоя қилмаган, ва маздакийларга яқин бўлган ва имомликга даъво қитувчи ашаддий шиъаларга ҳеч қачон хайриҳоҳлик билдиrmаган⁶⁷. Лекин шунга қарамасдан, унинг ўлими янги маздакийларнинг⁶⁸ бир неча бор кўзголон кўтаришига сабаб бўлган, айрим ашаддий шиъалар эса уни "имом" сифатида тан олиб, "абумуслимиййа" каби бир неча оқимларга асос солгандар⁶⁹. Таҳмин қилинишича, Абу Муслим ўзининг тарафига Хурсоннинг кенг оммаларини жалб этиш мақсадида янги диний таъвиқот ҳам олиб борган бўлиб, унда эски динлар, айниқса зартушлик билан боғлиқ бўлган ва халқ орасида кенг тарқалган диний тасаввурларни ислом динига мослаштиришга уринган. Хусусан, у руҳнинг кўчиши ҳақидаги таълимотни кўллаб кувватлаган ва ўзини худонинг янги тимсоли деб зълон қилган⁷⁰.

Абу Муслимнинг таъвиқотчи (*da'i*) лари ва унинг ишининг давомчиларидан бири Исҳоқ ат-Туркий исмли бир шахс бўлган. Ўз устозининг ўлимидан кейин у Мовароуннаҳрга турқлар олдига кетиб, улар орасида Абу Муслим пайғамбар бўлганиниги ва ерга Зороастр томонидан юборилганлиги ҳакида таъвиқот олиб борган. Унинг сўзларига кўра, Абу Муслим ўлмаган, у Рей тоғларида яшириниб юриди ва одамлар орасига янги тимсолда қайтиб келади⁷¹. Туркистон хўжаларининг тарихи баён этилган «Насаб-нома» асарида ёзилишича, Исҳоқ ат-Туркий қўзголони 150/767-68 йилда бошланган бўлиб, бутун Фарғона водийси, Сирдарёning юкори ва ўрта оқими ҳавзасидаги ерлар аҳолисини қамраб олган. Бу кўзголон таъсирида Фарғона, Исфижоб, Фороб, Тароз, Сирдарёning кўйи оқими, Еттисув ва Шарқий Туркистондаги туркий аҳоли орасида шиъаларнинг янги оқими кайсонийлар таълимоти⁷² тарқалган бўлиб, бу оқим тарихда яна мубаййида, яъни «оқ кийимлилар» ҳаракати номи остида машҳур⁷³. Лекин айрим олимларнинг фикрига кўра, бу оқимдагиларнинг ҳаммаси ҳам суннага қарши бўлмасдан, хусусан, унинг раҳбари Муқаннаъ аслида ўзини мўъмин мусулмон ва Абу Муслим ишининг давомчиси деб билган⁷⁴.

Қандай бўлмасин, Ўрта Осиёда ислом динининг тўла-туқис ва узил-кесил галабаси айнан Абу Муслим номи билан боғлиқдир. У хукм сурган даврда бу ердаги ҳали сақланиб турган барча маҳаллий суполалар тугатилди. Шу вақтгача улар чиқариб келган тангапар ҳам бекор килинди. Расмий муомалада фақат араб тили ишлатила бошланди. Ислом динини қабул қилган Бухоро подшохи бухорхудот Тағшоданинг ўғли Қутайба ислом динидан воз кечганда, Абу Муслим уни бутун оила аъзолари билан қатл қилди⁷⁵.

Ўрта асрларда Хурсондаги Нисо шахри яқинида Абу Муслим мозори қайд этияган⁷⁶. Унинг сиймоси ўрта асрлардаёқ ҳам эроний, ҳам туркий ҳалқлар хотирасида ҳалқ қаҳрамони сифатида сақланиб қолган ва ҳалқ ривоятларида ўз аксини топган. Туркманлар Абу Муслимни ўзларининг аждодлари қаторида эъзозлайдилар, ва уни бутун умрини кофир форсларга қарши курашга бағишлаган Рустам сингари қаҳрамон сифатида тасаввур этиб қелганлар⁷⁷. Туркий ҳалқларнинг араб босқинчилариға қарши миллий озодлик ҳаракатини бошкарган Абу Муслимнинг жассратлари ҳақидаги ривоятлар кўпчилик туркий ҳалқлар⁷⁸, шу жумладан ўзбек ҳалқ эпосида ҳам сақланиб қолган⁷⁹. Таҳмин қилинишича, хозирги вақтда мавжуд бўлган барча “Абу Муслим-нома” ларнинг илк нусхасини Махмуд Газнавийнинг сарой тарихчиси Абу Тоҳир Тусий ёзган⁸⁰. Абу Муслим ҳақидаги бу туркий романнинг ягона кўлёзма нусхаси Венада сақланади⁸¹.

Бу маълумотларнинг ҳаммаси Абу Муслимнинг кепиб чиқиши Хурсон ўгузлари билан боғлиқ бўлганлигига ишора қиласди. Шунинг учун 'Аббосийлар суполасининг ҳокимият тепасига келганидан кўп вақт ўтмай, Хурсон турклари форслар билан бир қаторда мамлакатда. зввало унинг пойтахти Бағдодда ва Ироқнинг бошқа шаҳар ва вилоятлардаги энг юкори ва стратегик жиҳатдан муҳим мансабларни эгаллай бошладилар Ундан ташқари айрим 'Аббосий халифаларининг хотинлари туркий чўрилардан бўлиб, улардан тугилган таҳт меросхўрларининг кўпчилигига туркий қон бўлган⁸². Шунинг учун уларда ҳар доим туркийларга нисбатан бўлган алоҳида эътибор ва лаёқат сезилиб турган. Бир неча 'Аббосий халифаларига надим бўлиб хизмат қилган ва уларнинг тарихини ёзган бағдодлик тарихчи олим Абу Бакр Мұхаммад ибн Яҳё ас-Сулий (вафоти 335/946-47 й.) нинг хабар беришича, халифаларнинг кўпчилиги туркийларнинг кийимини кийиб, уларнинг тилини яхши билганлар ва одатларига риоя қилганлар⁸³.

АБУ МУСПИМ АВЛОДЛАРИ

"Ёрлик" даги маълумотларга кўра, Абу Муслим авлодлари Туркистонда саййидлар, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг авлодлари сифатида эъзозланган. Лекин юқорида айтганимиздек, Абу Муслимнинг асл келиб чиқиши номаълум бўлган ва унинг Хуросон туркларига мансуб бўлганлигига ишора қилувчи далиллар ҳам мавжуд. Бундан келиб чиқиб, таҳмин қилиш мумкинки, Абу Муслим Хуросон амири вазифасини бажариб турган вақт давомида (132 – 137/750 – 755) саййидлар оиласига мансуб қизга уйланган. Шундан кейин унинг авлодлари ҳам саййид деб ҳисобланган. Манбаълардаги маълумотлардан маълумки, Абу Муслим Самарқанд атрофига девор қурдирган ёки эскидан мавжуд бўлган қалъа деворини қайта таъмирлаган⁸⁴. Унинг Самарқандда оиласи бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор⁸⁵.

Ўрта асрларда Бухоро вилоятидаги бир нечта ариқлар ва туманинг номи Абу Муслим номи билан боғлик бўлган⁸⁶. Мазкур жой номлари бу ерларда Абу Муслим авлодлари яшаганлигидан далолат беради. "Ёрлик" даги маълумотга асосланиб, фараз қилиш мумкинки, Абу Муслимнинг авлодларидан қайсиdir қисми тарихий воқеалар тақозосига кўра, Хоразм диёрига ҳам келиб жойлашганлар. Амир Темур вақтида улар бу ерда эл юрт наzdida саййидлар, яъни Муҳаммад пайғамбар авлодлари сифатида танилганлар ва катта хурмат эътиборда бўлганлар. Саййидларнинг ҳақ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга имтиёзлар бериш йўли билан эса Соҳибқирон ўз таъсирини эл орасида янада мустаҳкамлаш учун замин яратган.

"Ёрлик" да "Дор ус-салтанат-и вилоят-и Хоразмда ҳаволагар" бўлган давлат хизматчиларининг барчасига мурожаат этилганидан Абу Муслим авлодлари ана шу вилоядга истиқомат қилганликларини билса бўлади. Уларнинг сони қанча бўлганлигини айтиш қийин, аммо "ўзларидин аҳл-и сопиҳлари қози бўлиб, таблиғ-и ҳуккому қози қилсунлар", дейилганлигидан, жумладан, кўринадики, саййидлар жамоаси ҳар ҳолда тарқоқ ҳолда бўлмасдан, юқорида таъкидланганидек, Дархонста мавзеида туч ҳолда исиқомат қилгани ва улар маълум миқдорда ер-сув, тегирмон каби бойликларнинг эгаси бўлганликларини таҳмин этиш мумкин.

“ЁРЛИҚ” ДАГИ МАЪМУРИЙ АТАМАЛАР

Мол-мулк, ер-сув каби бойликтарнинг мавжудлиги “тамом олиғдор ва жамиъ таҳсилдорлар . . . оларға ҳеч вожодин сабаб и тасдиъ ва озор бермасунлар”, дейилишидән ва бу “тамом-и олиғдор” тушунчасига қандай мансабдорлар киришининг кўрсатилиб ўтилганлигидан кўзга ташланиб турибди. Масалан, «Ёрлик» да санаб ўтилган фуқародан олиқ-солиқ йигадиганлар қаторига киритилган “мисли инок ва атоликлар ва тўқсовуллар ва жиғдовуллар» нинг ҳар қайсиси мол-мулк ва ер-сув ҳамда бошқа турдаги олиқ-соликлар билан шуғулланган. Сайийдларнинг барча бойликлари ана шу санаб ўтилган амандорлар хизмат вазифасига кирган барча мулкий йигинлардан озод этилган.

Олиғдорлар қаторига «қушчилар» сўзи ҳам қўшилган. Бу аслида хукмдор ихтиёридаги ов қушларининг қаровчиси, айни вақтда подшоҳ овини ташкил этувчи кимса, яъни “овбеги” ҳам саналган. Маълумки, ўша давр подшоҳларининг овлари катта тантана билан уюштирилган ва уларда юзлаб, баъзан минглаб кишилар иштирок этган. Ов қилиш муддати бир неча кунга, айрим ҳолларда эса бир неча ҳафтага чўзилган. Овбеблари кушчиларга зарур бўлган пайтда, ўша жойдаги аҳолидан озиқ-овқат, улов олиш, одамларни сафарбар этиш хуқуқи ҳам берилган. Сайийдлар бундай ташвишдан озод этилганлар. Ҳужкатда келтирилган яна икки сўзга ҳам изоҳ бериб ўтиш керак бўлади. Улардан бири «элчилар» ва иккинчиси эса “йўлчилар” дир. Бу сўзларда ҳам юқоридагидек ўша даврга хос ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг маълум қирралари ўз аксини топган. Табиийки, «Ёрлик» даги ҳар бир сўз ва иборадан кузатилган мақсад унинг замондошлари учун тўла равишда тушунарли бўлган. Биз эса Амир Темур давлатида унинг дастлабки кунларидан бошлаб ўрнатилган ва барчанинг қатъий амал қилиши шарт бўлган тартиб қоидаларни тўла-тўқис ўрганмасдан туриб уларнинг замерида яширинган маъноларни ўз даврининг тушунчаси тарзида уқиб олишимиз қийин, албатта.

Шундай қилиб, ҳужкатда «элчилар» ва “йўлчилар” га ҳам саййидларни безовта қилиш манъ этилган. Демак, улар ҳам ҳатти-харакатлари билан белгиланган қонунга мувофиқ юқорида эслатилган “олиғдорлар” қаторидан ўрин

олишган. Бу нарса бекорга айтилган эмас. Гап шундаки, Амир Темур Туранзамин ҳукмронлигини қўлга киритгач, мустақил давлат номидан турли мамлакатлар ва катта-кичик подшоҳпиклар билан дипломатик алоқаларни изчил суратда йўлга қўйишга интилган. Манбаъларнинг гувоҳлик беришича, уни дастлаб атроф мамлакатлар подшоҳлари муборакбод этиб, бирин-кетин Самарқандга элчилар йўллаган. Империя ташкил топгандан кейин эса жаҳоннинг турли бурчакларидан бу ерга элчилар кела бошлаган. Ўз навбатида Соҳибқирон номидан ҳам ўнлаб давлатларга турли масалалар юзасидан пайдар-пай элчилар жўнатиб турилган. Аммо Ўрта Осиёдаги сафар шарт-шароитларининг оғирлиги, кўп жойларда эса сиёсий бекарорлик ҳукм сурган бир пайтда элчиликлар катта қўйинчиликларни бошдан кечирган, айрим ҳолларда улар талон-тарожга дуч келиб, ўз вазифаларини адо эта олмасдан орқага қайтишга ҳам мажбур бўлганлар.

Амир Темур ана шундай ҳолларни ҳисобга олиб, ўз мамлакатида бу масалада ҳам қатъий тартиб ўрнатганди. У ҳукмронлик қўлган давлат сарҳадларида элчилар бедаҳл кишилар сифатида қаралар, Соҳибқироннинг буйругига биноан жойлардаги барча катта-кичик амалдорлар уларга ҳар томонлама қулай шароит ҳозирлашлари шарт қилиб қўйилганди. Бу ҳақда айниқса 1403 – 1406 йилларда Амир Темур империясида сафарда бўлган Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг эсадаликларида ажойиб маълумотларга дуч келамиз⁸⁷. Чунки бу ҳол Амир Темур давлатида ўрнатилган қатъий қоидалардан бири бўлган. Уни бузганлар жазога мустаҳқ қилинганлар. «Ёрлиқ» да саййидлар бу борага тааллуқли хизмат ва олиқ-солиқдан ҳам озод этилганлар.

“Йўлчилар” масаласи ҳам маълум тарзда элчилар ҳақидаги масалага ўхшаб кетади. Маълумки, Амир Темур давлатида вилоятлар, унинг таркибига кирган мамлакатлар билан доимий алоқалар воситасини жорий этишга эътибор берилган. Аввал Туранзаминда, сўнгра империянинг бошка сарҳадларида суворийларнинг бир қўнимда тезкорлик билан босиб ўтадиган масофасининг ҳар бирида маҳсус қўнимгоҳлар ташкил этилгач, уларда етарли от-улов, озиқ-овқат захиралари шай қилиб қўйилган. Бу қисман Чингизийлар алоқа тартиб қоидасини эслатади. Маълумки, уларда ана шундай нуқталарни «ём” деб аталган ва ҳатто маҳсус “ём солиги” – “Йўл солиги” ҳам жорий этилган⁸⁸. Амир Темур империясида ана шу тарздаги манзиллараро алоқалар тизими янада такомиллаштирилган.

“Хар бир сарҳад, вилоят ва лашкарда, - деб ёзилган “Темур тузуклари” да, - хабар ёзувчи (хабарнавис) лар тайин қилсинларки, ҳокимлар, раиат, сипоҳ ўзининг ва ёт бегона лашкарнинг ҳатти-ҳаракати ҳақида мени хабардор қилсин... Ва яна амр этдимки, ушбу хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг аразимга етказиб турсинлар. Амр қилдимки, мингта тезюар түя минган, мингта от минган елиб югурувчи кишини чопкунчи, минг нафар тезюар пиёдан (чолар) этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, кўшни ҳуқумдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасдан бурун чора ва иложини қилайлик...”⁸⁹

Манзилгоҳлар орасидаги ҳаракат кеча-кундуз узлуксиз давом этган. Шунинг учун ҳам Амир Темур, бепоён империянинг қаерида бўлмасин, ҳаммавақт ўз давлати сарҳадлари ва кўшни мамлакатлarda рўй берәётган ҳамма воқеалардан огоҳ бўлиб турган, барча хавф хатарнинг олдини олишга муваффақ бўлган. Айни вактда алоқа масаласидаги бу тартиб-қоидага монеълик қилиш қатъян манъ қилиниши билан бирга, зарур ҳолларда “йўловчи” ларга зудлик билан ёрдам кўрсатиш манзилгоҳлар атрофидаги барча табакадаги аҳоли зиммасига юқлатилган мажбуриятлардан бири бўлган. Бу эса ўз навбатида «йўловчи» ларнинг ўз вазифаларини эдо этишда маълум имтиёзларга ҳам эга бўлганлигини кўрсатади. Амир Темур «Ёрлик» ида Хоразм саййидлари бу масала билан боғлиқ мажбуриятлардан ҳам озод этилганлар.

АМИР ТЕМУРНИНГ ДИН СИЁСАТИ

Манбаълардан яхши маълумки, Амир Темур ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан то охиригача амалга оширган барча тадбирларини ўз даври шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ислом динини мустаҳкамлаш шиори остида хаётга тадбиқ қилиб борган. Бу эса унга бир тарафдан Мовароуннаҳрни ягона давлат сифатида тиклашда қарийб бир ярим аср давом этган гайридин мўнгиллар хукмронлиги натижасида диний эътиқоднинг сусайишидан норози бўлган аҳоли қатламларини ўз атрофига жисплаштириш имконини берган бўлса, иккинчи тарафдан Соҳибқироннинг хорижий юришларида унга ҳарбий-сиёсий кучлар

қаршилигини синдиришда ҳам ғоявий қурол сифатида қулай шароит түғдириб келган⁹⁰. Айни вақтда Амир Темур испом динининг айрим оқимларини ўзларига ниҳоб қилиб салтанатда ўрнатилган тартиб-қоидаларга нисбатан норозилик ҳаракатларини кўзғаш учун қилинган ҳар қандай уринишларни қоралади ва уларни жазолади. У испом дини асосларини мустаҳкамлаш, дин пешволарини ҳурмат қилиш, уларга яхши шарт-шароитлар түғдиришга ҳаракат қипди, аммо давлат бошқаруви тизгинини уларга бериб қўймади, ва давлатчилик сиёсатига оид барча муаммолар ечими унинг иродаси ҳамда ақл-заковати билан ҳал қилиб келинди.

Амир Темурнинг дин масаласидаги сиёсати у давлат тепасига келмасдан анча олдин намоён бўлганди. 1361 йилда у Жетедан ҳужум қилиб келган кўчманчилар қўлидан улар асир олган етмишта Термизли саййидни кутқазиб қолган ва бу иши учун Туғлук Темурнинг ғазабига учраган эди⁹¹. Шундан бошлаб Мовароуннардаги барча саййидлар унинг тарафига ўтган эдилар. Улар Ўрта Осиёни мўнгил зулмидан озод этгач, Амир Темур саййидларни пайғамбар авлоди сифатида янада кўпроқ эҳтиром эта бошлайди. “Саййидлар орасидан лаёқатли биттасини, - деб ёзилган “Темур тузуклари” да, - аҳли исломга садр этиб тайинладим. Тамом вақфларни бошқариш ва назорат қилиш учун мутаваллий танлашни, ҳар бир шаҳар ва вилоятда козий, мұфтий, мұхтасиб тайинлашни унинг ўзига ҳавола этдим. У саййидлар, уламо, шайхлар ва бошқа диний арбобларга суюргол белгилаб, ҳар бирининг вазифасини тайин қипсин, дедим”⁹². Демак, диний арбобларнинг моддий жиҳатдан таъминланишига ҳам Амир Темур алоҳида эътибор бериб келган.

